ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00292

ЮНОН МУМТОЗ ФАЛСАФАСИДАГИ АРАСТУ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ЭРКИНЛИК ФЕНОМЕНИ

Дилнавоз Суннат қизи Рахимджанова
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
таянч докторанти
ruzmatova.dilnavoz@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада антик давр мумтоз фалсафасининг йирик намоёндаси Арастунинг эркинлик атамаси ҳақидаги тасаввурлари ўрганилган. Унинг ҳозирги замон файласуфларининг фикрлари орқали очиб берилган. Эркинликнинг ўзбошимчалик билан боғлиқлиги кўрсатилган. Эркинликни детерминизм билан боғлиқлиги ёки боғлиқ бўлмаслиги талқин этилган.

Калит сўзлар: эркинлик, ўзбошимчалик, эркин фаолият, ирода эркинлиги, танлов, ўзбошимча қилмишлар, сабаб-оқибат, транзиент ва имманент, бирламчи маъсулият принципи, алтернатив имкониятлар принципи, жавобгарлик.

THE PHENOMENON OF FREEDOM IN ARASTU PHILOSOPHICAL VIEWS IN GREEK CLASSICAL PHILOSOPHY

Dilnavoz Sunnat kizi Rakhimdjanova
Doctoral student, National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
ruzmatova.dilnavoz@gmail.com

ABSTRACT

The article examines Aristotle's views on the term freedom, a major figure in classical philosophy of antiquity. It is revealed through the thoughts of modern philosophers. It has been shown that freedom is related to arbitrariness. Freedom has been interpreted as whether or not it is related to determinism.

Keywords: freedom, arbitrariness, free activity, freedom of will, choice, arbitrary actions, cause and effect, transient and immanent, the principle of primary responsibility, the principle of alternative possibilities, responsibility.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00292

КИРИШ

Фалсафа тарихини ўрганиш фалсафанинг ижтимоий онг шакллари ўртасидаги ўрнини аниқлаш ва у жамият моддий ҳаётининг ижтимоий амалиётга боғлиқлиги, нисбий мустақиллиги, шунингдек, ички тараққиётида, ички мантиққа эгалигини аниқлашни тақозо этади. Ўтмиш фалсафий таълимотлар тарихи босиб ўтилган босқич сифатида қаралиб, уни ўрганиш ҳозирги даврда катта аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, буюк мутафаккирларнинг фалсафий қарашларини ўрганиш доимо долзарб масала бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам ижтимоий билимлар соҳасида ижод қилувчи олимларимиз фалсафий меросини, ғарбу-шарқ олиму-фузалолари яратиб кетган бабаҳо маънавий қадриятларни ўрганиш ишига асосий эътиборни кучайтирмоқдалар. Бунинг учун эса ҳозирги фалсафий қараш дурдоналари билан қуролланишимиз керак. «Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмаганлиги туфайли аксарият зиёлилар, хусусан ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ, Платон ва Арасту, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса? … Мана, мисол учун Фрейднинг назарий қарашлари, прагматизм ва экзистенциализм ғоялари, Бердяев ва бошқаларнинг фалсафасини ўргансак, фойдадан холи бўлмайди… Биз кўп масалаларда ғарб файласуфларининг фикрлари билан, айниқса, индивидуализм, эгоизм қарашларини илоҳийлаштириш билан келишмаслигимиз мумкин. Лекин уларни ҳисобга олишимиз, кераклисини эътироф, кераксизини инкор этишимиз зарур” [5]. Мана шундагина фалсафий фикрлар тараққиётига, диёримизда яратилган тафаккур тараққиётига, ҳозирги замон фалсафасининг асосий муаммоларига тўғри ва холисона баҳо бера оламиз. Шунинг учун ҳам фалсафа муаммоларини, фалсафий меросни тадқиқ қилиш доимо кун тартибида турувчи долзарб масалалардан бири бўлиб қолаверади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Антик давр фалсафасининг йирик намояндаси, юнон файласуфи Арастунинг ижоди фалсафий, ижтимоий, тарихий адабиётларда, жумладан, фалсафа тарихида кўпгина тадқиқотчилар томонидан ўзига хос услубда, ўз замонасига мос равишда атрофлича таҳлил қилиб берилган. Бунга кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин ва уларнинг дурдона фикрларидан бугунги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00292

кун талабига тўлиқ жавоб бера оладиган ечимларни ҳам топишимиз мумкин. Шунингдек, Арастунинг ижодини ҳар томонлама ёритувчи В.В.Васильев [4], А.Н.Харламов [6], Р.М.Чизолм [7], Р.Кейн [8], Г.Уотсон [12] ва бошқа тадқиқотчилар ишларини, рисолаларини, мақолаларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Тадқиқот олиб бориш давомида тизимлилик, назарий-дедуктив хулоса чиқариш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий-компаративистик таҳлил каби илмий-фалсафий тамойиллардан фойдаланилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Антик даврда эркинлик атамасига бошқача ёндашув Арасту ишларида кузатилади. Арасту фалсафасида инсон фаолиятли мавжудот сифатида, ноёб сифатга – эркин танловга эга жонзот кўринишида талқин қилинади. Шу ўринда танловни амалга ошириш учун нафақат билим, балки иродавий акт, эркинликка мукаммаллашган автаркия, яъни эзгу билим ва эзгуликка интилиш кўринишида илдам бориш ҳам зарур. Арасту нуқтайи назари бўйича идрок ва қонунларга асосланган полис ҳаётининг тартиби автаркияни намоён этади. Аммо фақат донишмандлар учун, албатта Логос билан мос ҳолда, у бахтга интилиш кўринишини олади. Шу билан бирга эркинлик нафақат маъсулият билан алоқадорликда қолади, балки фаолият характеристикаси сифатида ҳам намоён бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, эркин фаолият Арасту фикрича, у спонтан характер касб этганда ҳам, у ўйлаб чиқилган, аниқ бир мақсадга эга бўлишига қарамай ўзидек қолади. Жумладан, фаолият “ўзининг шахсий таъсиридан келиб чиққани”, ёки схоластлар айтганидек, *sua sponte* бўлгани туфайли эркин тарзда жонланади [11, 12].

Фаолият характеристикаси тарзидаги эркинлик талқини билан бир қаторда, Арасту уни ўзбошимчалик ва эзгулик тушунчалари билан боғлаган ҳолда кўриб чиқади.Фаолиятнинг ҳамма турлари ўзбошимча ва ўзбошимча бўлмаганга бўлинади. Биринчиларига ўрнатилган қоидалар, нормалар, табиий ёки ижтимоий тартиб факторларига бўйсуниш, ёхуд оқибатини билмаган, яъни маълумотга эга бўлмаган ҳолда амалга ошириш кабилар хос.

Ўзбошимча фаолият учун идрок ва асос зарурий шартлар саналади. Улар барибир ҳам онгли тарзда актуаллаштирилади. Инсон воқелигида ақл ва билим ёрдамида фаолият ва қилмишларни мақсад ҳамда воситасини аниқловчи танлов эркинлиги шу тариқа пайдо бўлади. Ўзбошимча фаолиятлар, шу тариқа, аниқ бир эркинлик ва англанганликни талаб қилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00292

Айнан ақл индивид фаолиятининг факторларидан бири ҳисобланар экан, унда мақсад танлови ва фаолият воситаси, ижтимоий нормалар бузилиши ва бўлиши мумкин бўлган оқибатларга бўлган маъсулиятни қабул қилиниши сабабни англаш билан ўзаро боғлангандир. Арасту яна икки йўналиш: қадрли ва ахлоқийларни ўз ичига олувчи ақлий-ўзбошимча фаолиятларни шундай талқин этади. Бахт изланишида, яъни *эвдономия*да инсон эътиборини эзгулик ва уни амалга оширишга қаратади. Эзгуликнинг ўзи қадрли томондан эвдономияни ҳам, эркинликни ҳам ўлчов даражаси саналади. Айнан танлов эркинлиги арастучилик позициясидан эркинлик ва маъсулият бор ёки йўқлигини аниқлайди. “Инсон ажабтовур ишларни ҳам, уятли қилмишларни ҳам бажариши мумкин. Унинг қандай характердаги қилаётган қилмишлари унинг ўзига боғлиқ. Ўз иродасига кўра инсон одил ёки одил эмас ҳамда бажарилган қилмишларга мос келган ҳолда унга иззат икром кўрсатилади ёки суд орқали жазоланади” [3, 117].

Шу жумладан, ўзидан олдинги файласуфлардан фарқли равишда Арасту эркинликни тушунишнинг қуйидаги аспектларини ажратиб кўрсатади:

- ҳаракатнинг идроки ва фаҳми;
- фаолият характери билан шартлари орасидаги алоқа;
- танлов ва маъсулиятнинг мавжудлиги;
- ҳар хил турдаги ҳаракатларда эркинликнинг турли вариантлари;
- эркинлик ахлоқий ва этик аспектлардаги қадриятли табиати.

Шундай қилиб, Арасту фалсафасида нафақат эркинликни тушунишнинг фалсафий ҳислатлари эътиборга олиниди, балки фаолиятнинг ички шартлари кўринишидаги роли шахснинг хулқи ва интилиши ҳам ҳисобга киритилади.

Арасту ўзининг фалсафий таълимоти чегарасида сиёсат, ҳуқуқий нормалар ва ахлоқни бир тизимга боғлайди. Давлатнинг мақсади ва мазмуни эзгуликка эришиш ва унинг фуқароларининг бахти саналади; инсонлар бахтли яшашлари учун эркинлик олий яхшилик билан эзгуликка мос келиши лозим.

Шу билан бирга, Арасту нуқтайи назари бўйича, эркинлик феномени, бир томондан, Арастуни софистлар фикрларига яқинлаштириб қўйадиган инсонга “барча нарсаларнинг ўлчови” сифатидаги оддий муносабатга эга эмас, балким бошқа томондан, у ижтимоий хадлар ва компонентлар бор бўлган сиёсий-этик тушунча ҳисобланади.

Антик даврда барча тўпланган фалсафий билимларнинг тизишлаштирилиши орасида Арастуда эркинлик муаммосини ўрганиш учун жой топилади, шу билан бирга, уларни ижтимоий тузилмага тегишли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00292

кўринишларидаги ўзбошимчаликни ҳам. Шуни айтиш мумкинки, Суқрот билан Афлотуннинг қарашлари ривожи Арасту учун баҳслар майдонига айланди ҳамда бир вақтнинг ўзида асосиф тушунчалар ривожи ҳам. Шундай экан Арастунинг “эркинлик” тушунчасини гносеологик юзада қараб чиқишдаги асосий хизматини анлаш актини эзгуликдан ажратишда кўриш мумкин. Бу ерда тезда этика категориялар билан нозик алоқа пайдо бўлади ҳамда у Афлотун карашлари танқиди учун жуда керак саналган. Арасту фикрича, нимагадир ақлан эришиш имкониятининг ўзи фақатгина ўзгариши мумкин бўлган ҳақиқий дунё учун восита ҳисобланади. “Эркинлик” тушунчаси фақат ақлий фикр юритиш чегарасидан четга чиқади ҳамда янги чегара – интилиш билан таъминланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқади, эркин фаолият ақлий фикр юритиш актидан (мақсад сари ҳаракат), шунингдек, иррационал инсоний истаклардан (мақсад сари интилиш) тузилиши мумкин. Мавжуд бўлган икки имкониятлар орасидаги пайдо бўлувчи низо, ўз навбатида, ихтиёрсиз гуноҳкорлик ҳақидаги Афлотун қарашларини хатолигини аён қилади.

Арасту фалсафасидаги ўзбошимчалик тўғрисидаги масала инсон табиатидаги танлов, ирода, интилиш ва мақсадларнинг шавқатсиз алоқадорлигини ўзида мужассамлаштиради [6, 98-102]. Бунга ўзбошимчалик ва эркинлик масалалари ишлаб чиқишда Арасту аслида Афлотун теодициясини олиб ташлаган ҳолда фақат инсон табиатининг моҳиятини кўриб чиққанини қўимча қиламиз. Бироқ Илоҳий бошланғич, инсон табиати, эркинлик, ўзбошимчалик ва танлов тушунчалари Арастунинг инсон борлиғининг илк асоси таҳлили жараёнида ўзаро чатишиб кетади. Арасту фалсафасининг танлов табиати изланишлари соҳасидаги асосий ютуғи “ўзбошимчалик” тушунчасини ақлий қилмиш сифатида ўрнатишида бўлганлигини тан олиш жоиздир. Агар Суқрот ва Афлотун ўзбошимчалик билан рационаллик ўртасидаги алоқани рад этган бўлсалар, унда инсоннинг қарор қабул қилиш тизимида Арасту бўйича чексизлик ва эркинлик ақлда илк манбани топади. Адолат ва ўзбошимчаликнинг жамиятдаги манбаси инсон саналади, шу боисдан ҳам у томонидан яратилган ижтисоий институтлар эзгу ва салбий актларни ишлаб чиқишга қодир. Шунинг учун табиатни тушунтиришда ва эркинлик мазмунидаги ақлий фаолият – бу ҳали эзгулик эмас, фақатгина муваффақият учун ҳаракатни аниқловчи воситадир. Шундай экан, Арасту томонидан берилган эркинликни аниқлашдаги олий эзгулик сифатида бўлган билим детерминантларидан воз кечиш “эркинлик”нинг ўз тушунчасини кенгайтирди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00292

Арасту томонидан тизимлаштирилган антик Юнонистоннинг барча фалсафий ва илмий тажрибаларни бошқа муҳим жиҳати билимларнинг алоҳида соҳалари классификацияси ҳисобланади. Этика ва сиёсат каби фанларнинг ўзаро ижодий-амалий муносабати қадим юнон мутафаккири учун эркинлик ва ўзбошимчаликни ўзаро диалектик боғлиқлиги бўйича ижтимоий-фалсафий фикр юритишга бўлган мурожаатни аниқлади. Эркинлик ва ўзбошимчаликни қараб чиқувчи ахлоқий базани назарий қатламининг ривожига қарамасдан, биз шуни қайд этишимиз даркорки, эркинлик ва ўзбошимчалик билан ижтимоий тузилмани ўзаро алоқадорлиги бўйича амалий фикр юритишда Арасту қарашларини Афлотун қарашларига қараганда прогрессивлигини аниқлаб бўлмайди. Эркинликни Космос томонидан неъмат туҳфаси сифатида устидан фикр юритар экан Арасту унинг кўринишида инсон бирлигини рад этади. “Табиат эркин инсонларни жисмоний тузилмаси қулларни жисмоний тузилмасидан фарқ қилишини ташкил этиб қўйган: сўнггиларини танаси кучли, улар зарурий жисмоний меҳнатларни бажариш учун яроқлидирлар, эркин инсонлар эса расодирлар ва бу турдаги ишларни бажаришга қодир эмаслар; аммо улар сиёси ҳаётга мос келадилар, бу эса охиргиси, ўз навбатида, уларда фаолият уруш давридаги ва тинчлик вақтидагиларга тақсимланади”, - ёзган Арасту [1, 927]. Кўриб турганимиздек, у Афлотун каби, эркинликни қўлга киритиш ва эгалик қилиш имкониятидаги танланганлик зарурияти кўринишдаги фикрни маъқуллайди. Фақат унда танланганлик табиат томонидан ўрнатилган табиий тўсиқлардир. Бундай тўсиқлар ўз тафаккурини табиат ёки жамият ҳақида фикрлаш учун қаратишга бўлган қобилиятсизликда ўз аксини топади ва у фақат эркин инсонлар томонидан берилган ҳаракатларни бажариш мақсадига йўналтирилган. Полис фуқаролари учун эркинликнинг зарурий атрибутлари келадиган бўлсак, унда бу ерга қуйидагиларни киритиш керак: давлат, эркин индивид, ҳусусий мулк, қонун, оила ва қуллар. Эркинлик ақлий эришилувчи мақсад сифатида мана шу барча институтлар ривожини тақдим этади. Табиат табиий йўл билан улар учун асос ўрнатди, эркин фуқаролар эса – умумий табиат организмининг бир қисмидир, шунинг учун ҳам уни мақсадга йўналтирилган кўринишда таъминлайдилар.

Арастуда ўзбошимчалик табиати ҳар қпндай полис ёки бошқа ижтимоий тузумлар учун универсал саналади. Чунки субъект-инсон чегарасизлигини яратувчи идрокдан итарилади. Юнон полисларидаги ижтимоий ҳаётни ривожланиш даражасининг бошқа муҳим аксини Арасту ўрнатганижтимоий тартиб нормалари билан чегарасизликка бўлган муносабат имконияти

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00292

нормалари алоқаси деб ҳисоблаш зарурий саналади. У умумий қоидалар ижтимоий нормалар, негизлар ва удумларни инсонни ўзбошимчаликдан аслида билимни ўзидан ҳоли қилмайди, шу билан бирга у билан таниш бўлмаган, мана шу кўрсатмаларни тасодифий бажараётган инсонга олий даражадаги ахлоқий ва эркин ривожни ато этмайди. Бу ихтиро жамиятни ҳуқуқий ҳимояланиш заруриятини назарий-ахлоқий асослашга жиддий қадам бўлди.

Арастунинг ахлоқий концепциясига биноан ҳар қандай неъмат ўртамиёна қарама-қаршиликлардир. Шунинг учун эркинлик ҳам ўзбошимчаликни, ҳам қулликни бўлаги сифатида уларни жамиятдаги кўринишларидан ажралмасдир. Шу боис энг олий эзгулик фақат жамиятда танланганлар қатламига тегишлидир. Шундай экан Антик Юнонистон фалсафасида эркинлик ва ўзбошимчаликни диалектик ўзаро алоқадорлиги мана шу тушунчаларнинг ҳар бирининг табиатини аниқлаш заруриятини яққол кўрсатиб берди. Эркинлик ва ўзбошимчалик табиатининг детерминлишишига Антик Юнонистон файласуфларининг мойиллиги субъектни кенг қамровда эркин ирода ифодаланишидан фойдаланиўидан маҳрум этади, жумладан ўзбошимчаликни барпо этилиши ёки ҳақиқий эркин фаолиятдаги танлов тўғрисидаги саволни очив волдиради. Бироқ эркинлик ва ўзбошимчалик масаласини ўрганишнинг илк босқичларида Афлотун ва Арасту иккинчисини мезонларини ўрнатмасдан биринчисини батамом очишнинг имконсизлигини англашга яқинлашиш амалга ошди. Афлотунда иррационалликдан ақланликкача бўлган йўл, Арастудаги ўртамиёналик изланиши ҳам ўзбошимчаликни эркинликнинг зарурий атрибути, аниқ мезонлар доирасида ўтиш чегаралари ўрнатилина олинмасада унинг биринчи фазаси сифатида қараб чиқадилар.

Энди Арасту инсонларни эркин иродаси ва ўз қилмишлари учун жавобгарлик детерминизмларини мос келиши бўйича нималарни ёзганини кўриб чиқамиз. “Никомах этикаси”нинг 3 китоби боши ўзбошимча ва ўзбошимча бўлмаган қилмишларга бағишланган, шунингдек, англанган танлов муаммосига ҳам. Қилмишларнинг ўзбошимча, ўзбошимча бўлмаган ва аралаш турлари бор. Арасту фикрича, ўзбошимча ҳаракатларда муҳим ролни сабаб ўйнайди, яъни инсон ичидаги нимадир, шу жумладан, ўзбошимча фаолиятлар бизнинг ўзимизга боғлиқ ҳамда инсолар улар учун жавобгар бўлишлари зарур. Детерминизм тарафдорлари барча қилмишлар характер орқали аниқланиб қўйилган, уларга агентлар маъсул бўлмаган, чунки у болаликдан турли хил ижтимоий институтлар таъсири остида шаклланиб келган, шунингдек, у бу учун жавобгарликни ўз бўйнига олишнинг иложи бўлмаган генетик ирсиятга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00292

боғлиқ, шундан келиб чиққан ҳолда бу каби қилмишларга ахлоқий маъсуллик ҳақида гап кетиши мумкин эмас дея қарши чиқишлари мумкин. Буларга жавобан Арасту қуйидагича ёзади, ҳақиқатан, айрим характер қирралари туғма саналади ҳамда бу эркинликни чегаралайди. Инчинун инсонлар ўзларининг характерларини ўзгартиришга қодирлар. Агар характер қилмишларни келтириб чиқарса, инсонлар эса ўзларининг характерларини айрим қирраларига жавобгар бщлсалар, унда улар ўзларининг қилмишлари учун ахлоқий маъсулиятни ҳис қилишлари керак. “Бироқ қилмишлар ва [ахлоқий] мезонлар бир хил маънода ўзбошимча эмас: қилмишлар бошидан охиригача бизнинг бошқарувимизда ва биз ҳамма алоҳида вазиятларни биламиз. [Ахлоқий] мезонлар [ёки қалб қатламлари, бизнинг бошқарувимиз остида фақат] бошида бўлиб, касалликлар сингари уларни аста-секин тахланиб бориши сезилмайди. Лекин [бошланиш] қанчалик бизни қўлимизда бўлса, шунчалик [мезонлар] ўзбошимчадир” [2, 108]. Қилмишларнинг сабабини инсонларнинг ўзига киритиб қўйиш, шунингдек, инсонлар ўзларининг фаолиятлари учун жавобгар бўлишлари зарурлиги ҳақидаги қатъий фикр Арастуни шахс сабабият назарияси тарафдори сифатида аниқроқ характерлайди. Шахс-сабабият назарияси принципларига мувофиқ, эркин юнон илгари юз берган бир кўринишдаги воқеалар, вазиятлар, шу билан бирга,табиат қонунларидан келиб чиққан ҳолда турлича ҳаракат қилиши мумкин. Агентлар ўз-ўзларидан эркин қилмишларининг сабаблари ҳисобланадилар. Мазкур назариянинг машхур ҳимоячиси Родерик Чизолм инсон билан қилмиш ўртасидаги каузаль муносабатларни икки турга ажратади - транзиент (transeunt causation) ва имманент (immanent causation). Мана шу икки тушунчалар каузациясини ўртасидаги фарқни тушунтириш учун Чизолм Арасту “Физика”сининг 8-китобига берган шахсий таснифидан фойдаланади. Бизга одатий бўлган икки ҳодиса ўртасидаги сабабий-оқибат алоқадорлик транзиентли деб номланади, қачонки, масалан, тош жойидан таёқ орқали силжиган, таёққа, ўз навбатида, қўл орқали ҳаракат берилган, шунингдек, қўл ҳаракати мушаклар ёрдамида чақирилган. Имманент сабабияти эса содир бўлган воқеани келтириб чиқарган ва эҳтимолий тарзда мия фаолияти билан боғланган, ундан олдинбўлган бошқа ҳодиса орқали эмас, айнан инсон томонидан чақирилган ҳодиса кабиларни назарда тутади. Яъни тош силжиши таёқ ёрдамида чақирилган, уни инсон қўли сурган, қўлни инсон ҳаракатлантирган, лекин инсонни ўзи ҳеч нарса орқали ҳаракатга келмаган [7, 24-29].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00292

Ҳар қандай либерал назариянинг вазифаси фақатгина инсон айрим ҳаракатларни содир бўлаётган олам ҳолатидан мустақил тарзда амалга ошириши мумкинлигини кўрсатишда ётмайди, балки бунга нима сабабдан у улар учун маъсулиятни ўз бўйнига олишини тушунтириш ҳам киради. Либерализмни апологетларидан бири бўлган Роберт Кейн инсонлар хатто маълум бир характер томонлари сабаб бўлган қилмишларига ҳам жавобгардирлар, чунки айнан шу томонлар қачонлардир ўтмишларида шакллантирилгани учун ҳам маъсулиятни ҳис қилишлари керак деган Арасту ғоясини эслатиб ўтади [8, 120-123]. Бу бирламчи маъсулиятни бўйнига илишга имкон беради. Бирламчи маъсулият принципининг асосий ғояси қуйидагига таянади: ўзининг қилмишига жавобгар бўлиш учун инсон ушбу қилмишни барча мавжуд сабаб, боҳона ёки важлари бўлган нарсалар учун маъсулиятни ўз бўйнига олиши даркор. Масалан, агар маълум бир қарор инсон характери ёки унинг важи орқали сезиларли даражада тушунтирилган бўлса, унда ўзининг қарорига бирламчи жавобгар бўлиш учун инсон ўтмишда агенти амалга оширган ҳамда ҳозирги агентга хос бўлган айрим характер томонлари ва важларни шаклланишига таъсир кўрсатган қарорлари ва ҳаракатларига қисман маъсулиятли бўлиши керак [8, 121]. Аммо бирламчи маъсулият принципи эркин ирода ҳақидаги баҳсларда қандай рол ўйнайди? Ирода эркинлиги мавжуд ва у детерминизм билан тўғри келмаслигини исботлаш учун либертарианлар ирода эркинлиги учун иккита шартдан фойдаланадилар – алтернатив имкониятлар принципи (alternative possibilities — AP) ва бирламчи маъсулият принципи (ultimate responsibility — UR). Кейннинг «Free Will: The Elusive Ideal» номли асарида ёзишича, алтернатив имкониятлар принципи зарурий шарт саналса ҳам, инкомпатибилистик[1] эркинлик учун бирламчи маъсулият айнан компатибилизм[2]ни рад этиш учун зарур ҳисобланади. Агар сиз AP қандайдир фаолият учун зарурий шарт деб ҳисобласангиз, лекин URни қабул қилсангиз, унда сиз интуитив тарзда компатибилист саналасиз. Агарда сиз эркин фаолият ўзларида AP ва UR ларни мужассам қилиши керак деб ўйласангиз, унда сиз мутлақ аниқ инкомпатибилист ҳисобланасиз [9, 33]. Ёдимизда, Арасту томонидан унинг асарларида таъкидланиладиган бошқа сабаблар (моддий, формал, ҳаракатланувчи, мақсадли, тосодифий) орасидан ўзининг

[1] Инкомпатибилизм ирода эркинлигиниг идеалистик назариясида асосий ролни ўйнайди. Кўпчилик инкомпатибилистлар фаолият эркинлиги фақатгина ангданган ҳулққа деган ғояни рад этадилар. Улар ирода эркинлиги инсон ўз фаолиятининг бирламчи сабаби саналишини назарда тутади деб ҳисоблайдилар.
[2] Компатибилизм (ингл. ... compatibilism) – ирода эркинлиги ва ахлоқий маъсулият детерминизм билан тўғри келиши ҳақидаги таълимот. Шу ўринди детерминизм деганда вақтнинг ҳар лаҳзасида оламнинг фақат битта эҳтимолий келажаги мавжуд кўрнишидаги тезис назарда тутилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00292

қилмишларининг илк манбаси сифатида инсонни ажратиб кўрсатиш мумкин. Агар инсон ҳаракатлариниинг сабаби бўлса, шундан келиб чиққан ҳолда, эркин тарзда ўз иродасига қулоқ тутиб иш кўриши мумкин, демак, у қилмишлари учун ўзи жавобгар бўлади. Кўп қилмишлар кўринишидан, худди, жавобгар бўлмайдиган агентнинг маълум бир характери томонлари орқали тушунтирилади. Бироқ Арасту бўйича, инсон ўз характерига жавобгар. Чунки у айнан мана шу ҳислатларининг шаклланишига таъсирини кўрсатган ўзининг ўтмиш ҳаракатлари учун масъул. Шунингдек, онгли инсон ўзининг характерини айрим томонларини тўғирлашга қодир.

Гери Уотсоннинг «Responsibility and the Limits of Evil: Variations on a Strawsonian Theme» номли мақоласида Арастунинг “либертаринача”га ўхшаш қарашларини ажойиб намунани учратиш мумкин. Гери Уотсон икки ўсмирнинг шавқатсиз ўлими учун ўлим жазосига ҳукум қилинган Роберт Харрис ишини кўриб чиқишни тавсия қилади. Харриснинг ҳеч бир қариндоши ёки дўстлари Роберт ўз ҳаётини қандай томомлаганига ҳайрон бўлмаган. 15 ёшида у автомобил ўғирлаш бўйича судланган, сал кечроқ икки марта ҳайвонлар билан шавқатсиз муносабатда бўлгани учун қўлга олинган ҳамда қўшнисини қасддан қилинмаган ўлимида айбланган. Ўсмирларнинг ўлими куни у билан бирга бўлган Робертнинг кенжа укаси Даниэль Харрис у қандай қилиб кулиб уларни отиб ташлагани, кейин эса ҳотиржам ўлганларнинг овқатини тановвул қилгани ҳақида сўзлаб берган. Хатто Харриснинг камерадошлари уни жуда ҳам ёқимсиз инсон сифатида тарифлашган. Аммо опаси Роберта Барбара ёшлигида у ҳайвонларга жуда эҳтиёткор муносабат қиладиган ва ўз онасини жуда қаттиқ яхши кўрган зийрак ва мулойим бола бўлганини айтган. Улар оиласида бешта бола бўлган, кун кечиришга маблағ етмаган, ишдан доим чарчаб келадиган Робертнинг онаси эса, кичик фарзандини кўришга кўзи йўқ ҳамда ўзининг барча муаммоларида уни айблар эди. Ўз онасидан меҳр кўрмаган Робертнинг дўстлари йўқ эди: нутқида нуқсон мавжуд бўлиб, унинг барча синфдошлари устидан мазах қилишарди [12, 134-137]. Ҳозирда ҳам, кўнгилдагидек бўлмаган оилада туғилган, шавқатсизликлар ва нафрат қуршовида ўсган Харрис бошқа муносиб тақдирни бошдан кечира олмасди ҳамда у ўзининг қилган жиноятида бутунлай айбдор эмас. Лекин Арасту Роберт Харрис амалга оширган қотиллигида ва бошқа хил қилмишларида фақат ўзи айбдор. Қилган ишларининг илк сабаби унинг ўзи ҳамда қилмишларига бирламчи жавобгарлик ўзининг бўйнига илинган ва кўпгина вазиятларда бу ишни қилмай бошқача йўл тутишнинг ҳақиқий имкониятлари у учун мавжуд эди. Хатто, агарда унинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00292

қилмишлари қийин болалик ва ичкиликбоз ота-оналарнинг вайронкор таъсири остида қолган бўлса ҳам Роберт қотил йўлидан қайтиши, мустақил тарзда ўзида, масалан, ёшликда мойиллиги бўлган эзгуликни тарбиялаши мумкин эди. Харрис шундай бўлиб етишганининг ҳайрон қоларли жойи йўқ, аммо унинг ўтмиши шундай бўлиб қолишига уни мажбурламаган.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, бизнинг қўлимизда айнан Арасту биринчилардан бўлиб, либертарианлик фойдасига аргументларни шакллантира олган, дейиш учун барча асослар бор. Арасту қарор ўзида альтернативалар орасидаги танловни мужассамлаштиради, инсонларда эса бошқача йўл тутиш имконияти мавжуд, деган фикрда қатъий турган (ҳар ҳолда, қилмишни бажариш ёки бажармаслик имкони мавжуд). Унинг қарор инсоннинг ўзига боғлиқ деган фикрга таянган таълимоти либертарианликнинг бирламчи маъсулият принципи асосида туради. Албатта, Арастунинг ирода эркинлиги масаласининг муҳокамаси пайтидан фалсафа ўз жойида қотиб турмади, жумладан, бу мавзу юзасидан яна кўплаб бошқа файласуфлар ўз мулоҳазаларини юритдилар [6, 64-76].

REFERENCES

1. Антология мировой философии: в 4-х т. М.: Мысль, 1969. Т. 1. Ч. 1.
2. Аристотель. Никомахова этика. Сочинения: в 4-х т. –М.: Мысль, 1983. Т. 4.
3. Аристотель. Этика. Москва, АСТ, 2010.
4. Васильев В. В. В защиту классического компатибилизма // Вопросы философии. 2016. № 2.
5. Каримов И.А. Донишманд халкимизнинг мустахкам иродалилигига ишонаман // Фидокор. 2000. 8 июн.
6. Харламов А. Н. Особенности формирования категорий свобода воли, вина и ответственность в эпоху Античности //Вестник Воронежского государственного университета. Серия «Лингвистика и межкультурная коммуникация». 2007. № 2.
7. Chisholm R. M. Human Freedom and the Self // Free Will /Ed. G. Watson. Oxford: Oxford University Press, 1982.
8. Kane R. A Contemporary Introduction to Free Will. Oxford: Oxford University Press, 2005.
9. Kane R. Free Will: The Elusive Ideal // Philosophical Studies. 1994. Vol. 75, № 1-2.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00292

10. Rakhimdjanova D.S. Features of the freedom issues in the Plot's philosophy. International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 28, No. 16. (2019), pp. 1560-1564. ISSN: 2005-4238 IJAST
11. Steinvorth U. Freiheitstheorien in der Philosophie der Neuzeit. Darmstadt, 1987, 302 S.
12. Watson G. Responsibility and the Limits of Evil: Variations on a Strawsonian Theme // Responsibility, Character and the Emotions / Ed. F. D. Schoeman. Cambridge: Cambridge University Press, 1987.
13. Ruzmatova G. Eastern melodies in the text of Plato // International Journal of Recent Technology and Engineering. Vol. 8, Issue-2S6, July, (2019). – P. 444-448. IJRTE. ISSN: 2277-3878.
14. Рузматова Г. Альфред Адлернинг инсон фалсафаси // International Scientific Journal "Clobal Science and Innovations 2019: Central Asia" Nur-Sultan, Kazakhstan, sep-okt 2019, № 2(3). ISSN 2664-2271. (VII Глобальная наука и инновации 2019: Центральная Азия // Международный научно-практический журнал. Нур-Султан, Казахстан. 25-28 сентябрь. № 2(3)).
15. Рузматова Г. Артур Шопенгауэрнинг ахлоқ фалсафаси // International Scientific Journal "Clobal Science and Innovations 2020: Central Asia" Nur-Sultan, Kazakhstan, fevral-mart 2020, № 3(1). ISSN 2664-2271. (VIII Глобальная наука и инновации 2020: Центральная Азия // Международный научно-практический журнал. Нур-Султан, Казахстан. Февраль-март. № 3(1)).
16. Ruzmatova G. Comparativist analysis of Representations about Will in View of Friedrich Nitzsche and Jalaliddin Rumi // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020. ISSN: 1475-7192. – P. 3215-3227.
17. Рузматова Г.М. Карл Густав Юнгнинг инсон руҳий борлиғи концепцияси // Academic Research in Educational Sciences, 2021 2(1). – Б. 81-95. SJIF: 5.7. ISSN: 2181-1385.